

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси кўмондони ўринбосари-
кўриклаш бош бошқармаси бошлигининг
2019 йил “07” августдаги 42-сон
буйругига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриклаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриклаш
хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Жizzah шахри

№ 01-22/236-сон

2022 йил «05» январь

Жizzah вилояти Кўриклаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиги полковник О.А.Амиров (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, Жizzah вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси номидан низом асосан фаолият юритувчи раҳбари У.Х.Аракулов(кейинги ўринларда Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани кўйидагилар хакида туздилар:

1 боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия кўриклаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриклиши кўринишида техник кўриклаш пунктидан (кейинга ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини кўриклаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2 боб. Умумий шартлар.

2. Буюртмачи, Жizzah вилояти сув омборидан фойдаланиш бошқармаси(кейинги ўринларда объект деб юритилади)га карашли “Қоровултепа” сув саклаш омбори хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар куни 1 та 24 соатлик Миллий гвардия кўриклиши хизматининг саф бўлинмалари кўриклаш постиоркали кўриклиш учун Ижрочига топширади, Ижрочи кабул қиласди.

Буюртмачи, Жizzah вилояти сув омборидан фойдаланиш бошқармаси(кейинги ўринларда объект деб юритилади)га карашли “Ш.Рашидов” сув саклаш омбори хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган 1-пост оркали ҳамда автойўналиш (Матиз автотранспорти) оркали ҳар куни 2 та 24 соатлик Миллий гвардия кўриклиши хизматининг саф бўлинмалари кўриклаш пости оркали кўриклиш учун Ижрочига топширади, Ижрочи кабул қиласди.

Буюртмачи, Жizzah вилояти сув омборидан фойдаланиш бошқармаси(кейинги ўринларда объект деб юритилади)га карашли “Зомин” сув саклаш омбори хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган 1 пост ва 2 пост оркали ҳар куни 2 та 24 соатлик Миллий гвардия кўриклиши хизматининг саф бўлинмалари кўриклиш постиоркали кўриклиш учун Ижрочига топширади, Ижрочи кабул қиласди.

3. Объектнинг кўриклиш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режакада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички объект режими ташкил этиш йўрикномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилинниб унинг ажралмас қисми хисобланади.

5. Объектни техник кўриклиш воситалар билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриклиш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан холлар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриклиш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланади.

6. Объектни кўриклишда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичida Миллий гвардия хизмати кўриклиш тури йўлга кўйилади.Объектда соқчилик кўриклиш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриклиш объектга 30 иш куни ичida йўлга кўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармагандан Ижрочи кўйилмайди, кўйилган ижрочи эса чакириб олинади.

3 боб. Тўловларни амалга ошириш.

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда кўйдагича хисобланади:

Пост-соат ҳисобида кўриклиш хизмати ойига 345044023 (уч юз кирк беш миллион кирк тўрт минг йигирма уч) сўм, 3 ойга 1035132069 (бир миллиард ўттиз беш миллион бир юз ўттиз икки минг олтмиш тўккиз) сўм бўлади.

Ижрочи балансида турган соқчи итни саклаш учун ойига 00 сўм, 12 ойга 00 сўм бўлади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган холларда қайта кўриб чиқиласди.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичida мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи микдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи 5 кун ичida аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга хақлиdir.

Мазкур шартнома бекор қилинган холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4 боб. Томонларнингхуқуқ ва мажбуриятлари.

13. Буюртмачи қуйидаги хукукларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаb қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш холатларини тўхтатиш ва йўл кўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаb қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслахаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир холати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл кўйилган камчиликлар аникланган тақдирда, ижрочидан уларни бартараф этишини талаb қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил «5 » июнь даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объекtni, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаши хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмираш;

хар кандай моддий қимматликларни объекt худудининг девор тўсигидан 10 метр узоклика (объект жойлашувини ҳисобга олган холда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объекtning техник мустахкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалар билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси холатини текшириш кўригини ўтказиш, аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳакда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган холда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмираш ишлари, объекtlарни қайta жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиши, объект ёки унинг бир қисмини бошка шахсларга ижарага бериш ёки мулк хукукини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўщимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳакида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги холатида бу ҳакда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳакида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дакикадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳакида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентилияция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш холатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошка ёнғин манбаларининг ёқилган холда колиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл кўймаслик;

кўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган холатда қайta ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо кўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги ҳакида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида заар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг даҳлсизлигини таъминлаш;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид қисми билан таништириш.

15. Ижрочининг хукуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибига риоя қилинишини талаb қилиш;

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошка хужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий қилиш;

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриклишга топширилган моддий қимматликларни қўриклишни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўрикланаётган худдулади лекин бинодан ташқарида жойлашганинг мавжудликни, ассортименти, ўралган ёки кадокланган холатини текшириб, кайта ҳисоб китоб асосида қабул килиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда қабул килиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объекттага киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриклиш вактида жойдаги ёнғин хавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриклиш сигнализациясининг ишлаб кетиши холатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объекттага бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг даҳлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриклиш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациясининг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни кайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакириши, текшириши натижалари ва объектни кайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриклиш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), қурол аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриклишга қабул қылганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриклишнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамланганлигини, қўриклишнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриклиш сигнализациясини текшириш қўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини қўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар қўрилиши учун бериш;

қўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия қўриклиш хизмати навбатчилик кисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия қўриклиш хизмати вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг даҳлсизлигини таъминлаш.

5 боб. Томонлар жавобгарлиги.

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида қўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўланмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошиб бўлмаган микдорда пения тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пения тўлайди, бироқ бунда қўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пения тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада қўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миклорда копланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар микдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган такдирда зарар микдори суднинг карори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни копламайди:

Ижрочи шартномада қўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан, зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган карори, билан тасдиқланса.

Қабул қилиш-топшириш журналида қайд қилинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада қўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пения) тўлаш ҳамда зарарни коплаш томонларни Шартномада қўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгаририлиши ва бекор қилиш вактида тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктиносидий суд томонидан кўриб чиқилади.

7 боб. Форс-мажор.

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва

муаян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгид бўлмайдиган куч холатига ҳавола қилувчи томон бошка томонни бундай холатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор холатларига сув тошкнлари, ер кимирилаши ва бошқа табиий халокатлар, шунингдек, эпидемиялар, ёнгинилар, портлашлар, давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмас куч холатлари амал килган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8 боб. Якуний қоидалар.

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар кандай ўзгаришиш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгаришиш ёки бекор қилиш ҳақиқидаги таклифга иккинчи томондан рад жапвоби олганидан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин Шартномани ўзгаришиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб номуайян муддатга амал қиласи.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билаги ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмирилашни талаб киласа, бирок Буюртмачи буни рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум қилган холда алоҳида обьектларни қўриқлашни рад этиши мумкин. (эслатма: тоифаланган ва банк обьектлари бундан мустасно)

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишида огохлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишида огохлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишида маълум қиласи.

35. Объектнинг ҳусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофик хуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи:

Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси

Юридик манзили: Жиззах шаҳри Сайилжойи қўчаси 5-йй.

Банк маълумотлари: Марказий банк Жиззах вилоят бош бошқармаси

X/P 21596000600567049001

МФО: 00018

СТИР: 2023837511YASI JIZZAX VILOYATI

ОКОНХ: 97920



Бошлими
полковник:
О.А.Амиролос



« 1 январь 2022 йил
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY Gvardiyasi JIZZAX VILOYATI
QORICLASH BOSHQARMASI
ХукукшундосIRDIK HOKIMIYATI
« BUXSPERTEYDAN OTKAZILDI
2022 йил
da
DAQAM BILAN
IMZO

Буюртмачи:

Жиззах вилоят сув омборларидан фойдаланиш
бошқармаси

Юридик манзили: Ш. Рашидов тумани Учтепа даҳаси Пахтакор ҳақаси

Банк маълумотлари

X/P 23402000300100001010

СТИР: 305695682

КТУТ: 22100

ЯФХ 100021860082227042402170002

Банк номи: Марказий банк ББХКМ Тошкент ш.

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201122919

Рахбари:

У.Х.Аракулов

« 1 январь 2022 йил